


ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги
хорижий олимлар иштирокида
онлайн илмий-амалий анжуман

ТҮПЛАМИ

Бухоро, 2020 йил 17-18 декабрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ**
мавзусидаги Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокида
онлайн илмий-амалий анжуман

ТҮПЛАМИ

Бухоро, 2020 йил 17-18 декабрь

БУХОРО – 2020

2. Абдуллаев, С. А. Изменение мелиоративного состояния почв, распространённых вокруг Каттакурганского водохранилища [Текст] / С. А. Абдуллаев и [др.] // Живые и биокосные системы. – 2019. – №. 28. – С. 7-7.

3. Кулматов, Р. А. Проблемы рационального использования орошаемых земель Бухарской области Узбекистана [Текст] / Р. А. Кулматов, А. Б. Расулов, А. Н. Нигматов // Проблемы освоения пустынь Ашхабад. – 2017. – №. 1-2. – С. 18-25.

УДК:631.45

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Х.Т. Артикова, X.X. Салимова

Бухоро давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада сугориладиган тупроқлар унумдорлигига тупроқ физикавий хусусиятларидан, тупроқнинг оптимал зилигига ўсимликларнинг минерализацияси учун қулай шароит яратилиши ҳакида сўз юритилган.

Калим сўзлар: тупроқ зичлиги, чиринди, намлик, азот фиксация, озуқа элемент.

Сугориладиган тупроқлар унумдорлигига тупроқ физикавий хусусиятларининг аҳамияти каттадир. Тупроқнинг оптимал зичлигига ўсимликларнинг минерализацияси учун қулай шароит яратилади. Ҳаво алмашиниб турадиган тупроқларда фойдали аероб микрофлора (азотбактер ва унинг ривожланиш шароити яхшиланади ва вилтни вужудга келтирувчи замбуруглар ва бошқа касалликларни тутдирувчи микроорганизмларнинг потоген таъсири камаяди.

Тупроқ зичлиги кўрсатгичига маълум даражада кўпроқ физик ҳолатини кўрсатиб беради. Агар биз чириндини бутун тупроқ системасини “уюштирувчи” сифатида қабул қиласак, тупроқ зичлиги эса, бутун тупроқ массасининг умумий физик ҳолатини белгилаб беради.

Сугориш жараёни одатда, тупроқ зичлигининг айниқса, ҳайдалма қатлам остида лой моддаларининг тупроқ профили пасть қисмларига аралашиб ўтиши билан боғланган. Бундан ташкари, сугориш таъсирида нам ва кўп қишлоқ ҳўялиги қуролларининг механик босими кучли из қолдиради. Тупроқ уларнинг оғирлиги остида қаттиқ гипслашгандай бўлади, шунингдек, сугориш жараёнида тупроқ массасининг дезагрегация юзага келади. Шу муносабат билан тупроқларнинг зичлиги оптимал даражада бир мунча юқори бўлиб $1,2\text{-}1,3 \text{ г}\cdot\text{см}^3$ ўрнига $1,4\text{-}1,5 \text{ г}\cdot\text{см}^3$ атрофидадир [1].

Тупроқларнинг физик ҳолати уларнинг зичлиги, дехқончилик тармоги, компонентларини тўгри қўллаганда маълум даражада бошқариладиган кўрсаткичларга киради. Бундай тупроқларга ишлов бериш вақтини танлаш ва муайян намлиқда ишловни ўтказиш асосий роль йўнайди. Ҳозиргача бутунлай ҳамма ерда кузги шудгор килишнинг баҳорги ҳайдашдан афзалроқ эканлигини илмий жиҳатдан охиригача асосланиб берилмаган. Мутахассисларнинг фикрича, хар бир жойнинг маҳаллий шароитини иқлим ва тупроқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим.

Тупроқ намлиги энг муҳим физик кўрсаткичлардан бири бўлиб, лалмикор дехқончиликда ҳосил билан тўғридан-тўгри боғлиқdir. Сугориладиган дехқончилик шароитида эса, намлик ҳосил оширишни таъминлайдиган муайян даражада бўлади. Ҳозирги вақтда кўпчилик намлик дифицити эмас, балки кўп сугориш натижасида намлиқнинг ортиқчалиги билан курашишга тўгри келади. Сувнинг республикамида умумий етишмаслиги шароитида кўп жойларда сугориш меъёрларига амал қилинмайди. Fўза майдонларига ортиқча сув қўйилади. Сугориш ўртасидаги давр узайтирилиб юборилади, ҳайратланадиган вазият юзага келади. Бир томондан жуда кўп сув сарфланса, иккинчи томондан ўсимликда эҳтиёж сезилади. Бундан ташкари ортиқча сув чиринди ва бошқа озуқа элементлари билан янада камбагаллаштиради. Республикаизда умумий экологик ҳолатни ёмонлашувига олиб келади.

Тупроқда кечадиган биологик ва микробиологик жараёнлар тупроқдаги микроорганизмлар ҳаёт фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар тупроқ ҳосил бўлишида тупроқка ишлов бераб, органик ўғитлар солиши ва бир қанча агротехник тадбирларни тўгри қўллаш, ўсимлик илдиз қолдиқларининг чиришида, тупроққа гумус моддалари ҳосил бўлганида тупроқдаги микроорганизмларнинг таъсири муҳим аҳамият касб этади [2].

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи омиллар орасида сезиларли даражадаги ўринни биоэкологик омиллар эгаллайди. Тупроқлар микробиологик фаолиятининг характерида ҳам кучли

ўзгаришлар юзага келади. Азотни фиксация қиласынан ва бошқа фойдалы микроорганизмларнинг умумий миқдори камайиб, аксинча, денитрификатор, олигонитрофил, актонимицет ва шунингдек касаллик түгдирүвчи вилт замбуургларининг миқдори ошиб кетди. Ҳатто тупроқда күзга күрінадын ёмғир чувалчанглари ҳам камаяди. Бу эса тупроқ фаунаси ёмон омонга үзгарганидан далолатдир. Яхши маданийлашган тупроқларда ҳам, уларнинг сони уда кам, эхтимол бу ҳол юкори мөһөрдә минерал ўғитлар ва захарлы моддаларни солиши билан бөлсө керак.

Экологик шароитта салбай таъсир күрсатувчи омиллардан бири, юкорида қайд қилинганидек, тупроқ зичлигидир. Тупроқнинг экологик мұхит шароитини пестицид, гербицид каби ҳар хил моддалар қолдиқлари, сезиларли даражада ёмонлаштиради. Бу қолдиқларнинг фақатгина, захарлилиги әмас, балки уларни құллаш технологиясининг бузилиши ҳам, атроф - мұхитни ёмонлашувига, күп кишиларнинг захарланишига олиб келади.

Менеевнинг фикрича (1988 йил), тупроқ унга солинган ўғиттінг комплекс таъсирига учрайди. Бу ўғитлар тупроққа күйидагы таъсир күрсатиши мүмкін:

1. Мұхиттінг кислоталиғи ёки ишқориyllигини үзгартыради.
2. Тупроқнинг агрокимёвий ва физикалық хусусияттарини яхшилайды ёки ёмонлаштиради.
3. Сингдирилгандын ионларнинг алмаштирувига ва уларнинг тупроқ зритасыга ўтишига сабаб бўлади.
4. Катионлар (биоген ва захарлы элемент) ларнинг кимёвий сингдирилишига ёрдам бериши ёки тўсқинлик қилиши мүмкін.
5. Чириндинг минерализация ёки синтезини таъминлаши мүмкін.
6. Бошқа ўғитлар ва озуқа элементларнинг тупроққа таъсирини камайтириши ёки кўчайтириши мүмкін.
7. Озуқа элементларининг ошириш ёки камайтириши мүмкін.
8. Озуқа элементларининг онтогизми ёки синергизміга сабаб бўлади ва шу орқали уларнинг ўсимликлар томонидан сингдирилишига ва метаболизміга таъсир қиласы.

Бу ерда келтирилгандын таъсирлардан ташқари ҳоллар ҳам учраши мүмкін. Сугориладиган тупроқларда юкори кўпинча ҳаддан ташқари минерал ўғитларнинг сезиларли қисми сугориш сувлари билан тупроқларнинг паст қисміга ўтади ва у ерда тўпланиб боради. Шунингдек улар ер ости сувларига ҳам ўтади. Натижада улар азот, фосфор ва уларга йўлдош бўлган элементлар билан ифлосланади. Бу эса ўз навбатида биокомплекснинг умумий экологик ҳолатини ёмонлаштиради.

Тупроқ унумдорлиги генетик-географик шароитлари, яъни тупроқ типларини ҳосил қилувчи омиллар, она жинс характеристи, тупроқ пайдо бўлган худуднинг мұхити ва ундан қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш усулларини аниқловчи белгилар билан мустаҳкам бөглиқ. Бўз тупроқлар ва уларнинг йўлдошлари ўтлоқи-бўз, ўтлоқи ва бошқа тупроқлар иссиқлик манбалрига бой субтропик зонада тарқалган. Бу ҳол улардан қишлоқ хўжалигига кенг фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, улардан умумий фойдаланиш фақатгина сунъий сугориш натижасидагина мүмкін. Сугоришнинг роли бу ерда шу қадар каттаки, у тупроқларни тубдан үзгартириб, янги антропоген ландшафтлар ҳосил қиласи [1].

Хулоса қилиб айтганда бундай тупроқларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши шуни күрсатадики, бу тупроқлар кулаги биоиклим шароитда ривожланмоқдалар ва бу ерларда антропоген тупроқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилияти тупроқ унумдорлигидан ташқари, тупроқ сифати билан бөглиқ бўлмаган бир қатор омиллар билан ҳам бөглиқ. Бу омилларнинг энг асосийларидан бири агроклимат омилидир. Агар иқлим шароити мөһөридагидан у ёки бу томонга фарқланса, ўша йили ҳосил ҳам кам бўлади. Бундан ташқари, экилаётган ўсимлик навлари агросистемадаги фойдалари ва зарарли организмларнинг ҳолати билан бөглиқдир. Бу компонентлардан ҳеч бирини ҳисобга олмаслик мүмкін әмас. Масалан, тупроқ қанчалик унумдор, ундағы биота оптималь шароитда бўлмасин, агар шу ернинг тупроқ ва иқлим шароити учун мос нағи экилмаса, ҳосил деярли олинмайди.

Шундай қилиб, юкорида келтирилгандын маълумотлар, олинган күрсатгич ва хусусиятлар унумдорликнинг хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қўзиев Р.К. Генетик тупроқшунослик муаммолари. ЎзФА. Тупроқшунослик институти. Тошкент. 1996. 56-61 б.
2. Ортиқова Ҳ.Т. Бухоро воҳаси тупроқларнинг экологик ҳолати. Бухоро-2006. 201-203 б.

В.И.Титова. Влияние утилизации отходов спиртовой промышленности на агрохимическую характеристику дерново-подзолистой почвы	109
З.Б. Исламова. Влияние водохранилища на агрофизические свойства почв прилегающих территорий.	112
Х.Т. Артикова, Ҳ.Ҳ.Салимова. Тупроқ унумдорлигини оширишда физик хусусиятларнинг аҳамияти	116
Р.Курвантаев, Н.Ҳакимова. Зарафшон воҳасининг ўрта қисмида тарқалган сугориладиган тупроқлар.	118
С.С.Хайриев, М.И.Артикова. Тупроқ ва экология.	120
Т.Қ.Ортиков, Б.Қ.Шониёзов. Минерал ва органик ўғитларнинг тупроқ озиқ режими ва амарант ҳосилдорлигига таъсири.	122
Х.Ш.Мейлиева, Н.Шодмонов. Тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва экологик ҳолатини яхшилашнинг маҳаллий имкониятлари.	124
Д.Қ.Бегимова. Сирдарё вилояти сугориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш чора-тадбирлари.	126
О.Жабборов, Т.Тураев, Э.Мавлонов. Фаргона вилояти олтиариқ тумани тупроқларининг унумдорлик ҳолати.	129
С.А.Эшқобилов. Тадбиркорлик мақсадларида ердан фойдаланишга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.	131
А.Ёдгоров. Д.Бўриева. Тупроқ унумдорлигини оширишда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш.	134
Н.С.Бахридинов. Экин майдонларидаги тупроқлар ҳолатини яхшилаш.	135
Ж.Т.Холмўминов. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш интеграциясини ҳуқуқий таъминлаш асослари.	136
Ф.Ҳ.Жумаев, З.А.Атаева. Бухоро вилояти шароитида индигофера (<i>Indigofera tinctoria L.</i>) ўсимлигининг биоэкологик хусусиятлари.	139
Р.М.Мадримов, Х.Қ.Рузимова. Питнак воҳаси сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари ва улардан фойдаланиш.	140
Ш.Бердиқулов, Ф.Қ.Суванов, Ҳ.Гофурова, М.Артикова. Тупроқ химояга мухтож.	145
Д.Ю.Махкамова. Унумдорлиги паст шўрланган гипсли тупроқларда азотофиксатор бактерияларнинг фасллар бўйича ўзгариши.	146
Т.Қ.Ортиков, З.Бафоева. Азотли ўғитлар меъёрининг гўза экинининг фотосинтез соғ маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигига таъсири.	148
А.Ж.Исмонов, Н.Н.Қаландаров, Ў.Х.Мамажанова. Тошкент воҳасининг ўртача ва паст тоглари тупроқларни регионал хусусиятлари.	150
Г.Қ.Миршарипова Ш.М.Турдиметов. Мирзачўл воҳаси тупроқларини дуккакли экинлар таъсирида яхшилаш чоралари.	151
Г.М.Набиева, Д.Ю.Махкамова. Тупроқларнинг нафас олиш жадаллигига (интенсивлигига) кузги дон-дуккакли экинлар таъсири.	154
С.Сидиков, М.Эрматова. Сугориладиган гидроморф тупроқлар эритмасининг кимёвий таркиби, концентрацияси, осмотик босими ва мувозанатлиги, уларни ўсимлик озиқланиши учун оптималлаштириш.	156
С.Джумабоев. Эрозияга учраган ерларнинг унумдорлигини ошириш.	158
Т.Т.Ражабов, Т.Я.Ражабов. Ирригация эрозиясига мойил ерларни унумдорлигини ошириш омиллари.	160
М.А.Алибоева. Тог жигарранг карбонатли тупроқлар морфологияси.	163
Н.Н.Қаландаров, Ў.Х.Мамажанова, И.Ж.Рўзиева, А.Ж.Исмонов. Лалми тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари.	164
С.Б.Мустанов, Ү.Э.Умурзоқова. Тупроқнинг унумдорлигини оширишда нўхат ўсимлигини аҳамияти.	166
Ф.Ҳ.Жумаев, А.Қ.Қодиров, З.А.Атаева, А.Н.Нарзуллаев. Тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш йўллари.	168
Ш.С.Муминова, А.М. Балгабаев, Г.Р.Тастанбекова. Влияние условий питания на урожай сои в условиях сероземных почв юга Казахстана.	170
А.А. Жўраев, И.Ж.Сулаймонов. Экиш усуллари ва минерал ўғитлар меъёrlарини тупроқдаги азот динамикасига таъсири.	172